

---

## Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга тақдим этилган қўшимча имкониятлардан самарали фойдаланиш юзасидан ўқув-амалий семинар ташкил этилди

Бугун, 2 июль куни Ўзбекистон туман ҳокимлигига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги "Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини-ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4742-сон қарорининг мазмун ва моҳиятини аҳолига ҳамда тадбиркорларга етказиш ва худудларда хизматлар соҳасини ривожлантириш масалалари юзасидан ўқув-амалий семинар ташкил этилди.

Семинарда туман ҳокимининг биринчи ўринbosари М.Сатторов, маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи М.Камолова, туман Давлат солик инспекцияси масъул ходимлари, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, уларнинг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринbosарлари ҳамда ҳудуддаги тадбиркорлар катнашдилар.



Тадбирда шунингдек "Асака банк" Фарғона вилоят филиали бошқарувчisi М.Мирзабаев, Республика товар-хом ашё биржаси Фарғона вилоят филиали бошқарувчisi Э.Қосимовлар иштирок этдилар.



Қарорға мувофиқ, жорий йил 1 июлдан үзини үзи банд қилған шахслар шұғулланиши мүмкін бўлган, кенгайтирилған фаолият (ишлар, хизматшар) турлари, жорий этилган янги тартиблар, үзини үзи банд қилған фуқароларнинг ўз фаолиятларини расмийлаштиришларида жорий этилган

---

соддалаштириш тартиблари ҳақида батафсил тушунчалар берилди.

Президент қарорига асосан якка тадбиркорлар ва оиласий корхоналарга яратилган қўшимча имтиёз ва қулайликлар мутахассислар томонидан яна бир бор кенг тушунтирилиб, тадбиркорларга мазкур имтиёзлардан унумли фойдаланиш тавсия этилди.

### **Маълумот учун,**

Президент қарорига мувофиқ, жорий йил 1 июлдан ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари [рўйхати](#) кенгайтирилиб, уларнинг сони 67 тага етди.

### **2020 йил 1 июлдан бошлаб жорий этилаётган тартибга кўра:**

- вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари бериш тартиби бекор қилинди;
- ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш хабар бериш тартибида ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтганликни тасдиқловчи матрицали штрих код (QR-код) берган ҳолда маҳсус мобиљ илова ёхуд солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилиши белгиланди;
- ўзини ўзи банд қилган шахслар 2020 йил учун ижтимоий солиқни ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ҳақиқатда ишлаган вақтидан қатъи назар базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 50 фоизи ҳажмида тўлайди ҳамда ушбу сумма тўлиқлигича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилади ва ундан келиб чиқсан ҳолда якка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган тартибда пенсия ҳисоблаш учун даромад ҳажми аниқланади;
- ўзини ўзи банд қилган шахслар учун назарда тутилган фаолият турлари билан шуғулланувчи, иштирокчилари сони камда уч нафар бўлган оиласий корхоналар айланмадан солиқни белгиланган миқдордан 50 фоизга камайтирилган ставкада тўлайдилар;
- ўзини ўзи банд қилган шахслар ёлланма ишчиларни жалб қила олмаслиги ҳамда иш берувчига эга бўла олмаслиги тўғрисидаги талаб сақланиб қолинди.

2020 йилнинг 1 июлига қадар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини жорий этиш тўғрисида” 2019 йил 9 июлдаги 566-сон қарори талаблари асосида Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан ўзини ўзи банд қилган шахсларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари берилади.

2019-2020 йилнинг ўтган даврида ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан олинган вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари тўлов амалга оширилган муддатга қадар амалга қилади.

Меҳнат гувоҳномасининг амал қилиш даври бу даврда ўзини ўзи банд қилиш тартибида меҳнат фаолияти амалда бажарилганлигидан қатъи назар пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун меҳнат стажи ҳисобланади.